

Сийра жанрининг вужудга келиши ва ривожланиши

Юртимизда миллий истиқлол тантана қилиб асрлар давомида халқ дилида эзгу армон бўлиб келган юрт мустақиллиги қўлга киритилгач, маданий меросни асраш, тарғиб ва тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Чунки *“Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишидан иборат ўз йўли аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади”*¹. Юртбошимизнинг бу пурмаъно сўзлари миллий маънавиятимизнинг эзгу анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Истиқлолнинг илк йилларида кўплаб фан соҳалари каби исломшунослик фани ҳам ўз ривожининг янги босқичига ўтди. Асл манбалар (Қуръон, тафсир, ҳадис)нинг таржима ва нашр ишлари дин-афюн маъносида эмас, балки уни соф илмий нуқтаи назардан ўрганувчи тадқиқот ишлари тарзида амалга оширила бошланди.

Инсоният комилликка интилиш баробарида ўзи учун етук намуна деб билган Пайғамбар (а.с.) ҳаёти ва фаолиятини ўрганишни ўзининг маънавий юмушларидан деб ҳисоблади. Натижада пайғамбарлик тарихига оид манбалар диққат билан ўрганила бошланди, ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлаштирувчи иснод ва қиёс каби усуллар жорий бўлди. Улуғ муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий фаолияти туфайли саҳиҳ ҳадислар Марказий Осиё халқларига ҳам етиб келди. Шу билан бирга *“сийра”* (араб тилида: ҳаётнома) деб аталувчи адабий жараён шакллана бошлади. Бу ҳақда академик Н. Ибрагимов шундай ёзади: *“Мазкур икки муқаддас манба (Қуръони карим ва ҳадиси шариф)дан кейинги ўринда турувчи яна бир манба бўлиб, у сийра деб аталувчи, Пайғамбарнинг ҳаёт йўлларини ёритиб берувчи муҳим соҳадир”*².

Хотирлаш ўринлики, мазкур адабий жанрни тадқиқ қилиш, кўп ҳолларда, унинг диний-тарихий шахслар, биринчи навбатда, ислом динининг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т:Ўзбекистон, 1992. -Б. 11.

²Жаҳон адабиёти. 4/20009. -Б. 255.

асосчиси Муҳаммад (а.с.) шахси билан боғлиқлиги туфайли, Шўро пайтида анчагина қийинчиликларга учраган. Ўша даврнинг дахрийликка асосланган мафкуриси учун бу мавзу ниҳоятда ҳассос соҳалардан бири бўлгани, ҳатто хатарли саналгани туфайли ҳам, кўпчилик олимлар унга қўл уришга чўчиганини шарқшунослар яхши билишади.

Сийра дастлаб ҳадислар ривоятининг бир бўлаги бўлган бўлса, кейинчалик муҳаддислар орасидан нафақат ҳадис ривояти, балки тарих илмига ҳам алоҳида эътибор берувчи шахсларнинг ажралиб чиқиши натижасида Пайғамбар (а.с.)нинг пайғамбарлик фаолиятлари, ислом динини тарқатиш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатларидан тортиб, турмуш тарзларигача бўлган барча мавзуларни ўзида қамраб олган алоҳида соҳа вужудга келди³.

Муҳаммад Хузарий ибн шайх Афибий ўзининг “Нурул яқин” китобида *сийрат*га шундай таъриф берган: “«Сийрат» сўзини арабчадан таржима қиладиган бўлсак, «таржимаи ҳол» иборасига тўғри келади. Бинобарин, истилоҳда, «Сийрат» – Пайғамбар (а.с.)нинг таржимаи ҳоллари, дея оламиз”⁴.

Исломдан олдинги даврларга назар ташласак сийра мифологик дунёқараш асосида бўлганлигини кўришимиз мумкин. Мифологик дунёқарашнинг ўзига хослиги, инсоният дунёқарашини турли тарихий шаклларга ҳам ажратиб қаралади. Зеро, башарият тарихининг турли даврларида турли дунёқараш шакллари устунроқ ўрин эгаллагани назарда тутилди. “Миф” атамаси юнон тилидан кириб келган бўлиб, “нақл”, “ривоят”, “достон”, “эпос”, “афсона”, “қисса” каби сўзларга маънодошдир. “Логос” атамаси эса таълимот деган маънони билдиради. Мифологик дунёқараш мазмунидан жой олган мифлар худолар, қаҳрамон шахслар, руҳлар, шайтон ва ҳоказолар ҳақида улар орасидаги муносабатларни ҳикоя қилади. Қадимги Юнонистонда “Одиссея”, “Иллиада” достонлари, “Теракл” қиссаси, қадимги Ҳиндистонда “Маҳобҳорат”, “Ромаяна” эпослари, Ўрта

³Абдулмалик ибн-Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-Сийра ан-Набавийя. – Т.: Шарк, 2011. 1 Ж. - Б. 4.

⁴<http://www.siyrat.uz/kutubxona/olamlarga/html>

Осиёда “Рустам” ҳақидаги достон, “Тўмарис” ва “Широқ” афсоналари мифологик дунёқарашга мисол бўла олади.

Мифологик дунёқарашнинг муҳим жиҳати шундаки, у кейин келиб чиққан дунёқарашнинг цикллари – дин, фалсафа илмий билимлари манбаидир. Қолаверса сийранинг классик кўринишидир. Шунинг учун ҳам уни яхши тушуниш зарур. Зеро, тарихга (илдизларимизга) қанчалик тўғри ва теран назар сола олсак, биз бугунги аҳволимизни тўғри англаш ва келажагимизни тўғри кўриш имкониятига эга бўламиз.

Сийра, яъни ҳаётнома жанри ҳеч бир юртда араб дунёсидагидек катта шуҳрат ва оммавийлик касб этмаган. Шунинг учун араб адабиётининг ушбу жанрига оид асарларни ўрганишга интилиш, ҳеч бир муболағасиз, асрлар давомида дунёдаги энг нуфузли арабшунос-шарқшуносларнинг диққат марказида бўлиб келган мавзуларидан биридир⁵.

Араб халқ ривоятлари, ҳикоят, қисса, асотир ва афсоналарни айтувчи чечан сўз санъаткорлари ровий, қиссагўй деб аталган. Бундай ижрочилар жамоат йиғиладиган жойларда (масжидларда) ўтириб, диний мазмундаги ривоят ва ҳикояларни, қадимий араб эртаклари ва сийраларни айтиб беришган. Уларнинг репертуаридан халқ эртаклари ҳам ўрин олган бўлиб, ана шу боис қиссахон ёки ровийлар баъзан таъқиб остига олинган. Академик Н.Ибрагимовнинг ёзишича, “қиссагўйларнинг ривоятлари фольклор билан узвий боғланган энг халқона асарлар эканидан ва муҳаддисларни мусулмон ҳукумати қўллаб-қувватлагани ҳолда аёл ва эркак қиссагўйлар ва ровийлар кўпинча таъқиб қилинар эдилар. Халифалар ровийларнинг ҳикояларида эркин “ўзбошимча”, баъзан ношаръий фикрлар кўплиги учун уларнинг фаолиятини таъқиқловчи фармонлар чиқарар эдилар. Расмий олимлар уларнинг ”эркин” ҳикояларини “авом чўпчаклари” деб аташарди. Аббосийлар халифаси ал-Муътадид 896 йилда масжидлар ва йўллар ёқасида

⁵Имом ал-Бухорий сабоқлари, 3/2011. Б. 168-169.

“бахшилар, ровийлар, мунажжимлар ва фолбинлар ўтиришмасин” деб фармон берган эди”⁶.

Ровийлар ва қиссахонлар айтиб берган ҳикоялар асосан халқ эртакларидан иборат бўлганлиги учун ҳам расмий доиралар томонидан таъқиб қилинган. “Қиссаларнинг кўпгина ҳикоялари ўз услубига кўра маиший эртак ёки зарбулмасални эсга тушириши”, “сийралар сюжети маиший ва сеҳрли эртак мавзуларидан иборатлиги”⁷ бу ижрочилар фаолияти араб фольклорининг оғзаки йўсинда оммаланиш шакллари билан бири бўлганлигини кўрсатади.

Сийра – халқ китоблари орасида ҳажман энг йирик асар ҳисобланади. У эпик баён усулининг кенг қамровлилиги, композицион қурилишининг мураккаб тузилишига эгаллиги билан характерланади.

Б.Я.Шидфар сийрат жанрининг умумий шаклий хусусиятларини аниқлар экан, бундай деб ёзади: “Демак сийрат-жуда катта ҳажмдаги халқ ижодий асаридир. Мазкур жанрнинг муҳим композициявий хусусиятлари - бир ҳикоя ичига ҳикоялар киритилиши, баъзи эпизодлар, воқеаларнинг такрорланиши, қисса матнининг осонлик билан (бир айтишли) қисмларга бўлинишидир. Бутун асар давомида сажънинг қўлланиши, кўпинча тасвир равшанлиги учун, гоҳо ҳикояни қиздириш учун шеърий парчаларнинг киритилиши сийранинг ўзига хос хусусиятидандир ” (“Тағриботи Бани Ҳилол”)⁸.

Сийранинг демократик, халқона руҳи, содда реализми равшан кўринади. Сийра қаҳрамонлари ихтиёрий азобланиб ўлишни хохламайдилар, буни қиссахонлар ва тингловчилар ҳам истамайдилар. (ўзбек халқ романий дostonлари “Кунтуғмиш”, “Ширин билан Шаккар” ва бошқаларда эса қаҳрамонларнинг ўлими таъсири романтик руҳда тасвирланади.)⁹.

⁶Иброҳимов. Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. –Т.: ФАН, 1994. -Б. 105

⁷Иброҳимов. Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. –Т.: ФАН, 1994. -Б. 108-109.

⁸Шидраф.Б.Я. Генезис и вопросы стиля арабского народного романа (сыры).-Генезис романа в литературах Азии и Африки. М., 1980.-С. 88.

⁹Ибрагимов. Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. -Т.: ФАН. 1994. -Б. 46.

Сийратларда бош қаҳрамонларнинг “мададкорлари” ўрнидаги азиз авлиёлар муҳим рол ўйнайди. Уларнинг тимсоллари айниқса шу жиҳатдан мароқлидирки, исломиятда авлиёларга сиғиниш авж олишини ифодалаб, халқ сийрати жанри тараққиётининг даврий рамкаларини аниқ белгилаш имконини беради. Сийрат тимсоллари қаҳрамонларга ўхшаш кишиларнинг тимсоллари мавжудлиги муҳим аломатдир. Булар одатда яхши, ижобий хислатларни ўзларида жамлаган қаҳрамонлар тимсолларининг пастарин, (одатда салбий) зиддидир. Агар биринчи, асл қаҳрамон кучли, от миниб, қиличбозлик ва найзабозликда моҳир бўлса, иккинчи, ўхшаш қаҳрамон доимо айёр, устомон, удабурон, чопағон, у “ўз қиёфасини ўзгартира олади”, турфа топишмоқларни топади ва ҳ. к. Тимсолларнинг бундай қарама-қаршилиги ғоят қадимий трикстер тимсоли сийратларда ўзига хос равишда ўзгарган деган хулоса чиқариш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сийра жанри бир мунча узоқ даврга бориб тақалувчи, ўз маъно-моҳиятига кўра мустақил жанр саналувчи адабий услубдир. Бизнинг таҳлилимиз шуни кўрсатадики, сийратнинг энг яққол аломатларидан бири - унинг тузилиши (композицияси)дир, аниқроғи бирон бир қатъий композиция андозасидан маълум даражада йироқлигидир. Сийратнинг муҳим типологик хусусияти, қадимий ҳодисани бир-бирига ўхшаш унсурларнинг икки ёки кўп марталаб такрорланиши, натижада эса бир хилда тузилган эпосга хос вазиятлар ва тасвирларнинг юзага келишидир.